



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

« 17 » Mart 20 21 y

Yaypan shahri 193 sonli

Танловда ғолиб чиккан Эски Яйпан МФЙ Себзор кўчасида яшовчи фукаро Орифов Жамшидбек Мансуржон ўғлига А.Ниёзов ММТП худудидаги туман захира ер майдонидан пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида узок муддатли ижарада фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 12-моддалари ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон тумани халқ депутатлари кенгаши сессиясининг 26.02.2021 йилдаги № 129/20-6-сонли қарори асос ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фукаро Орифов Жамшидбек Мансуржон ўғлига А.Ниёзов ММТП худудидан № 844-842-841-861-863-866-875-876-877-878-888-891-895-897-900-862-контурдаги 53.20 га умумий ер майдони, 50.10 га экин ер майдони, 2.80 га ариқ ва зовурлар, 0.20 га тутзорлар, 0.10 га йўллардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фукаро Орифов Жамшидбек Мансуржон ўғлига 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узок муддатга ижарага олиш шартномаси расмийлаштириш вазифаси Кадастр агентлигининг Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 86-моддасига асосан фукаро Орифов Жамшидбек Мансуржон ўғлига ажратиб берилган ер майдонларида ноқонуний ҳолатлар мавжуд эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Кўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиккан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот кишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2021 йил кишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган харажатларини инобатга олсин, у билан контрактация, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари киска муддатда амалга оширилишини таъминлансин.

6. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида кишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш кишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ф.Пахридинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Юлдашев

**Ўзбекистон туманида туман захирасига олинган ер майдонларида
танлов асосида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва
танлов комиссиясининг йиғилиш.**

БАЁНИ

26.02 2021 йил

Яйпан шаҳри

1. Раислик этувчи: **Ш.Юлдашев**- туман ҳокими - туман фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси.

Йиғилишга қатнашдилар:

2. **Ф.Пахридинов**-Туман қишлоғ хўжалиги бўлими бошлиғи

3. **А.Ражабов** - Кадастр агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи

Аъзолари:

4. **О.Воҳобов** - туман қурилиш бўлими бошлиғи

5. **А.Маликов** -“Исфара-Сирдарё” ирригация тизими туман сув бўлими бошлиғи

6. **Ғ.Хамрақулов** – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи

7. **Ю.Иргашев** – туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

8. **О.Абдуллаев** – туман Статистика бўлими бошлиғи

9. **И.Хамрақулов**- Агроқимёхимоя туман филияли раҳбари .

10. **А.Сулаймонов** - туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врач.

Шунингдек йиғилишга таклиф этилди:

КУН ТАРТИБИДА:

Туман захирасига олинган ер участка-майдонларида танлов асосида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокими, фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси **Ш.Юлдашев** сўз олиб, фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш ер участка хажмларини мақбуллаштириш тўғрисидаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиш баёни қарорига асосан туманда ўтказилаётган мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларнинг таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан бўлган қарзларини қисқартириш, қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинганда бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги тўғрисида гапириб ўтди.

Юқорида қайд этиб ўтилган салбий ҳолатларни зудлик билан бартараф этиш, 2020 йил ҳосилига пухта замин яратиш, мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнида берилган азифалар ижросини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18

апрелдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли фармонларини бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги № 14-сонли қарорига асосан фермер хўжаликлари ва бошқа кишлок хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда кишлок хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида, фермер хўжаликларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, фермерларни ерни ҳаққоний эгаси сифатида холис ва ошқора танлаб олиш, шу асосида ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида хосилдорликни ошириш ҳамда кишлок хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш хажмларини кўпайтириш, хўжаликларни молиявий ахволини ва кишлок аҳолиси даромадларини ўсишини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида туман захирасига қайтарилган ер майдонларида фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ёки фаолиятдаги фермер хўжаликларга кўшиб бериш борасида туман танлов комиссияси йиғилишини **Халқ депутатлари туман Кенгашининг депутатлари** иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг, танлов комиссияси котиби, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовнинг туман захирасига қайтарилган ва навбатдаги танловга эълон берилган ер участка майдонларига фуқаролар томонидан ушбу ер участка-майдонларида **янгитдан** фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида туман хокими, фермер хўжаликларни қайта ташкил этиш ва танлов комиссияси раиси номига аризалар билан мурожаат қилинганлиги ва амалдаги тартибда рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Шунингдек, танлов комиссияси раиси ўринбосари Ф.Пахридинов томонидан танлов комиссиясининг барча аъзолари танлов талабларига тўлиқ риоя этиш ҳамда масъулият билан ёндашиш тўғрисида огохлантирилди.

Шундан сўнг, комиссия котиби А.Ражабов томонидан танловга қўйилган экин ери участка-майдонлари лойихасига талабгор фуқароларни рўйхатини барча комиссия аъзоларига тарқатди. Хар бир талабгор комиссия аъзолари олдида чиқиб, аввалом бор ўзини таништириб, туманда ўтказилаётган мақбуллаштириш моҳияти тўғрисида ва танлов ғолиби бўлса фермер хўжалигинини юритишда нималарга эътибор бериши ҳақида ўз фикр-мулохазаларинини билдирди.

Шундан сўнг, комиссия котиби томонидан талабгорлар комиссия аъзолари хузурига таклиф этиб, хужжатлари билан таништирилди ва тақдим этилган хужжатлар, кўрсаткичлар, берилган савол-жавоблар ҳамда хар бир комиссия аъзосининг талабгорга қўйган баҳолари асосида натижаларни қайд этиб борилди.

А.Ниёзов ММТП худудидаги “Абдурахмон Абдулхамид” пахта-ғалла йўналишидан фермер хўжалигидан 02.10.2020-йилдаги 1362-сонли қарорига асосан **53.20 гектар ер майдони** туман захирасида бўлган ер майдони **пахтачилик-ғаллачилик** йўналишида лойихасига талабгор фуқароларнинг **танлов натижалари:**

1) **Орифов Жамшидбек Мансуржон ўғли**, малумоти - 7 балл, мутахассислиги - 10 балл, техникаси - 10 балл, иш стажи - 9 балл, мол-мулки - 6 балл, бизнесрежа 10 балл, **жами - 52 балл.**

2) **Махкамов Мухиддин Абдлхалимович**, малумоти - 8 балл, бизнесрежа 10 балл, **жами - 18 балл**

Юқоридагиларни эшитиб ва муҳокама қилиб туман танлов комиссияси йиғилиши

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман танлов комиссиясининг якуний натижалари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Танлов якунларига кўра А.Ниёзов ММТП ҳудуди ер харитасини № 844-842-841-861-863-866-875-876-877-878-888-891-895-897-900-862-контурлардаги жами: 53.20 гектар, 50.10 гектар экин ери, 2.80 гектар ариқ ва зовурлар, 0.20 гектар тутзорлар, 0.10 гектар йўллари эгаллаган ер майдонларида пахтачилик-галлачилик йўналишида ўтказилган туман танлов комиссиясининг якуний натижаларига асосан қуйидаги: **Эски Яйпан МФЙ Себзор кўчасида яшовчи фуқаро Орифов Жамшидбек танлов ғолиби** деб топилсин.
3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи (Ф.Пахридинов), туман Фермер дехқон хўжалиқлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси (Ю.Иргашев) ҳамда Кадастр агентлиги туман бўлими (А.Ражабов)ларга амалдаги тартибда танлов ғолиби деб топилган фуқароларга фермер хўжалигини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.
4. Танлов комиссияси қарорини тасдиғини туман ҳокимидан сўралсин.

Юқоридагиларни тўғри деб:

Ш.Юлдашев

Ф.Пахридинов

А.Ражабов

О.Воҳобов

А.Маликов

Ғ.Ҳамрақулов

Ю.Иргашев

О.Абдуллаев

И.Ҳамрақулов

